

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

X U L O S A

1. Loyihaning turi: Sharnoma.

2. Loyihaning nomi: II гуруҳ (III гуруҳ) истеъмолчиларига сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш бўйича тузилган 5 – сонли шартнома.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Nurobod tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan, 14.01.2022 yilda tuman YuXKMga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 17 yanvar

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

Bosh yuriskonsult



F.Tilavov

**II гуруҳ (III гуруҳ) истеъмолчиларига сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш
хизматлари кўрсатиш бўйича юзасидан тузилган**

5 - сонли ШАРТНОМА

«19» январа 2022 й.

Ушбу шартнома «Самарқанд сув таъминоти» МЧЖ, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади, Низом асосида фаолият юритувчи директори Юсупов Комилбек Шухратович тимсолида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Нуробод вақф таъминоти Низом асосида иш олиб борувчи Р. Туралов, иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

- 1.1. Мазкур шартнома ичимлик сувини етказиб бериш ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш бўйича тузилган бўлиб, шартноманинг умумий қиймати 9596625 сўмни ташкил қилди.
- 1.1.1. II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган электрон ҳисоб-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали ичимлик сувини етказиб бериш ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.
- 1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтилади.
- 1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида «Таъминотчи»га кўрсатилган сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади) ва «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқова оқова сувни чиқариш тизимига уланиш учун руҳсат этувчи хужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.
- 1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидоғи барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувга эҳтиёжи ва сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нусхасини тақдим қилади, «Таъминотчи»ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қоидалар

- 2.1. Ичимлик суви билан экинларни суғориш, ховлилар, пивдалар йўлакчаларига белгиланган вақтдан ташқари сув сепиш ва ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш катъиян ман этилади.
- 2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнғинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган. «Таъминотчи»нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилди.
- 2.3. Истеъмолчининг ичимлик сув тармоғидан сув олиб, канализация тармоқларига оқова сув чиқарувчи субистеъмолчилар ушбу ҳолат юзасидан истеъмолчи билан шартнома тузадилар. Асосий истеъмолчи билан ИСКХ ташкилоти ўртасида тузилган шартнома иловасида истеъмолчининг тармоқларига уланган барча субистеъмолчилар, уларнинг номланиши, қайси идорага тегишли эканлиги, улар сарф қиладиган ва оқизадиган сув ҳажмига доир маълумотлар, сувни ҳисобга олиш асбобларининг бор-йўқлиги каби маълумотлар қайд этилиши лозим.
- 2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб, тамғалангандан сўнг, сув ўлчаш узели ИСКХ ташкилоти томонидан рўйхатга олинади. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш асбобини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № 698-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилади (бундан санаот сув ҳисоблагичлари истисно).
- 2.5. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва «Истеъмолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.
- 2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Истеъмолчи томонидан факат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчининг» сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда берилди. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий хужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.
- 2.7. Қурилган уланмаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» қорхонаси иштирокида «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакиллари томонидан амалга оширилади.
- 2.8. Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ўзгарганда, санасидан катъи назар, ушбу хизматлар юзасидан истеъмолчи билан тузилган шартнома ўз қучини саклаб қолади ва истеъмолчи кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.
- 2.9. Лимитдан ортқича сув истеъмол қилинган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффицентни қўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:
- а) «Таъминотчи»дан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи»дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- в) «Таъминотчи»ни шартномани бекор қилиш тўғрисида қаида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ва маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;

д) “Таъминотчи”дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари хажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўлов тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

е) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ё) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) қоидалар ва шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва ўзларига тегишли бўлган коммунал сув ҳамда оқова тармоқлари, қурилмаларини қўриқлигини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудук қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамғаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуклардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга қарши гидрантларга ўтиш йўллари бекитмаслик, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) “Истеъмолчи” ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик.

г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор қилиш;

д) сувни ҳисобга олиш асбобларида яққол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узилганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ва ҳисобга олинмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи”га хабар бериш;

е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчига” жорий ойнинг охиригидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилган ҳолда тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ хажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;

ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;

и) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

й) оқова сувларнинг сифатини мониторингини таъминлаш;

к) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;

л) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган “Истеъмолчи” дарҳол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва оқова сувни чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

“Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қоидаларини бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига қўра бартараф этмаса;

“Таъминотчи”нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишга ва бошқа ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз ҳалақат берилган тақдирда;

“Таъминотчи”томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса, ва янги “Истеъмолчи”ларни улаш учун ишларни ўтказишда;

“Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ҳамда оқова сувни чиқариш хизматларига субистеъмолчиларнинг ўзбошимчалик билан уланиб олганлиги аниқланганда;

“Истеъмолчи” белгиланган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;

“Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

“Истеъмолчи”лар томонидан коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

энергия таъминоти тўхтатилганда;

табiiй офатларда;

аварияларда;

ёнғин чиққан ерларга сув етказиш хажминини ошириш зарурияти туғилганда.

3.4. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;

в) тизимли равишда сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш, бюджет билан биргаликда “Истеъмолчи”лар сувидан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;

г) “Истеъмолчи” ларнинг сув ўлчачи асбобларини ўрнатилган тартиб ва муддатларда текшириш;

д) “Истеъмолчи”га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима пеня тўловларини амалга ошириш;

е) сув етказиш ва оқова сувни чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар қучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Тарафлар ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда келиб чиққан ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамғалар, айланиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган ҳамда тамғаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

д) сув тармоқларига ўзбошимчалик уланиб олиш, сув ўлчагич асбобининг касдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда унинг кўрсаткичларига аридан аралашган холда ўзгартириш ҳолатлари учун;
в) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;
г) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.
д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истеъмолчи" ҳудудда жойлашган окова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 "Таъминотчи" куйидагилар учун жавобгардир:
а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ узатилаётган сувнинг сифати ва конунчиликда ҳамда шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;
б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига уланиш ва окова сувни чиқариш хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;
в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;
г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;
д) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва окова сувни чиқариш тизимларида кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби сув ўлчагич асбоби мавжуд бўлганда, унинг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚКСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2 Истеъмолчиларнинг коммунал канализация тизимига чиқариладиган окова сувлари миқдори коммунал сув таъминоти тизимидан сарфланган сув миқдорига тенг деб қабул қилинади.

Марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти мавжуд турар жой ва нотурар жой хоналаридан чиқадиган окова сув миқдори истеъмолчилари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган қарор билан белгиланган коэффициентга кўра, (барча гуруҳ истеъмолчилари учун 2 коэффициентдан ошмаган ҳолда), маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб белгиланади.

5.3 Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (қудук, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими ва ҳ.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимига оқоваларни оқизиш ҳажми ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Истеъмолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши керак.

5.4. Ичимлик сув таъминоти тизимига уланмаган, шунингдек бошқа сув қувурларидан (манбалардан) ўз эҳтиёжлари учун қўшимча сув ишлатадиган истеъмолчилар ИСКХ ташкилотига техник кўрсатмалар билан бирга мавжуд сув олиш қурилмалари ҳақидаги маълумотларни тақдим этишлари шарт. Мазкур маълумотлар истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда ИСКХ ташкилоти улар томонидан коммунал канализация тизимига уланишнинг ўтказиш қуввати бўйича қабул қилинаётган окова сувлар миқдорини Қоидаларнинг 93-бандида назарда тутилган формула бўйича аниқлашга ҳақлидир.

5.5. Ичимлик сув таъминоти ва ёки марказий окова тармоғига уланмаган истеъмолчилар кейинчалик ушбу хизматлардан фойдаланиш зарурияти вужудга келган тақдирда, Қоидаларда белгиланган тартибда техник шартлар олган ҳолда марказий сув ва ёки окова тармоғига уланишлари лозим. Ушбу талабга риоя этилмастан ўзбошимчалик билан уланиб фойдаланса, қайта ҳисоб-китоб истеъмолчида ўтказилган охириги текшириш далолатномаси санасидан бошлаб мазкур шартноманинг 6.3-бандида назарда тутилган формулага асосан амалга оширилади.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини узиб, бу ҳақда ИСКХ ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. Истеъмолчи чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. "Истеъмолчи" сув ўлчагич асбобини рўйхатга олиш, сув ўлчагич асбобининг носозлиги, тамгаларининг бут эмаслиги ва сақланмаганлиги каби ҳолатлар «Таъминотчи» га фақатгина ёзма равишда хат билан мурожаат этилган санадан эътиборан инobatга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60 га тенг бўлган зулфин оркали-сув сарфи коэффициентини;
F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) м²;
g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;
H – сувнинг метрлардаги босими;
t – вақт- 24 соат, секундларда;

Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик сувидан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепиш (суғориш ишлари), автомашиналар ювилганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув сарфи сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши (утечка) ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги кўрсатмаси бажарилмаганда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламасига (тамгага) руҳсатсиз тегиш натижасида ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик сув ва канализация тармоқлари ҳамда қурилмаларига ўзбошимчалик билан уланиб олинганлик аниқланган тақдирда, сарфланган сув ва қабул қилинган окова сувлар миқдори мазкур Қоидаларнинг 87-бандига мувофиқ, уланишнинг сув узатиш қуввати бўйича қуйидаги кундан бошлаб ҳисоб-китоб қилинади:

ўзбошимчалик билан уланиш аниқлангунга қадар охириги текшириш далолатномаси тузилган кундан;
агар ўзбошимчалик билан уланиш ИСКХ ташкилотига тегишли тармок ва қурилмаларга нисбатан бўлган бўлса, ўзбошимчалик билан уланиш кунидан бошлаб у аниқлангунга қадар, бироқ даъво муддатидан кўп бўлмаган ҳолда ҳисобланади. Агар ўзбошимчалик билан уланиш санасини ҳужжат билан тасдиқлашнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ўзбошимчалик билан уланиб фойдаланиш даври даъво даври муддатига тенг бўлади.

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини қўздирини ёки янги техник шартларни олиши зарур. Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. «Истеъмолчи» коммунал сув таъминоти ва окова сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим қилиш ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабила асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган сув ва чиқарилган окова сув учун тўловлар Истеъмолчи томонидан уларга хизмат кўрсатувчи банклар орқали амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, «Таъминотчи» томонидан кечиктирилган тўловнинг ҳар бир кунини учун 0.4 % пеня ҳисобланади, бироқ пенянинг умумий қиймати қарздорчиқнинг 50% дан ошмаслиги лозим.

6.8. «Истеъмолчи» ҳисоб рақами мавжуд бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кириш кассалари орқали ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Агар «Истеъмолчи» икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, «Таъминотчи» ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ва окова сувларни чиқариб юборишни қарз ундирилмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва окова сувни чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилганда қайта улашда III гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдоридан тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари окизилаётган, ишлаб чиқариш окова сувларини «Истеъмолчи» лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш окова сувларини қабул қилиш қоидалари» ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортикча окизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибида ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қаби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида Қоидалар ва шартнома юзасидан келиб чиққан низолар келишув йўли билан ҳал қилинмаган тақдирда, низолар Самарқанд шаҳар иқтисодий суди ёки Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида кўриб чиқилади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига беvosита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафда бир нусхадан сақланади. Шартнома тарафлар имзоланган пайтдан кучга кирилади. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.

9.2. Шартнома имзоланган санадан бошлаб бир йил муддат давомида ҳақиқий ҳисобланади ва тарафларнинг бирортаси шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма равишда мурожаат қилмаса, кейинги муддатга узайтирилган ҳисобланади.

9.2.1. Ушбу шартнома II гуруҳ истеъмолчилари (бюджет ташкилотлари) учун Газначилик органларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли Қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади. Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг Газна ижроси қоидалари»га асосан амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача белгиланади.

9.3. Ушбу шартномада ўз ифодасини топмаган барча масалаларнинг ҳал қилинишида томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли Қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари» га амал қилишади.

X. Томонларнинг манзил ва реквизитлари:

«Таъминотчи»

«Самарқанд сув таъминоти» МЧЖ
Самарқанд ш., Ўзбекистон қўчаси 114 А уй,
Тел/факс: 66-2370408
х/р - 22638000500307743388
АТИБ "Ипотека банки"
Самарқанд вилоят филиали
МФО 00312, СТИР 200613125, ХХТУТ 90213
www.suvokova.uz



«Истеъмолчи»

Нуробод ҳаёб Марказ
манзил: *Нуробод ш. А-Тосеур, 12*
х/р: *10002286018235709410007089*
МФО *00014* СТИР *200779970*
e-mail: _____



Юридик хулоса:

Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ҳужжатик юридувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Қонуни талабларига мувофиқ келади.

Юридик хизмат визаси _____